

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Isl/Tar.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

УМАРОВ ШУКУРИЛЛО ХУРСАНМУРОДОВИЧ

**АБДУЛҲАМИД КЕШИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИННИГ VIII – IX
АСРЛАР МОВАРОУННАХР ҲАДИС ИЛМИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ**

**24.00.02 – Қуръоншунослик, Ҳадисшунослик
(тарих фанлари)**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата
доктора философии (PhD) по историческим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the
Doctor of Philosophy (PhD) on Historical Sciences**

Умаров Шукурилло Хурсанмуродович

Абдулхамид Кеший илмий меросининг VIII–IX асрларда

Мовароуннахр ҳадис илми ривожигаги ўрни (24.00.02).....3

Умаров Шукурилло Хурсанмуродович

Место научного наследия Абдулхамид Кеши в развитии учения

хадиса в Мавераннахре в VIII – IX веках (24.00.02).....21

Umarov Shukurillo Khursanmurodovich

The role of the scientific heritage of Abdulhamid Keshi in the development of the science of

hadith in the Movaraunnahr in the 8th – 9th centuries (24.00.02).....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

list of published works.....43

**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.26.04.2018.Isl/Tar.57.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚАРО ИСЛОМ АКАДЕМИЯСИ

УМАРОВ ШУКУРИЛЛО ХУРСАНМУРОДОВИЧ

**АБДУЛҲАМИД КЕШИЙ ИЛМИЙ МЕРОСИНИНГ VIII – IX
АСРЛАР МОВАРОУННАХР ҲАДИС ИЛМИ РИВОЖИДАГИ ЎРНИ**

**24.00.02 – Қуръоншунослик, Ҳадисшунослик
(тарих фанлари)**

**ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/Tar.53 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон халқаро ислом академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.iiiau.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Уватов Убайдулло Муродович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Имомназаров Муҳаммаджон Султонович
филология фанлари доктори, профессор

Қориев Одил Аҳмаджонович
тарих фанлари номзоди

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон халқаро ислом академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.26.04.2018.Isl/Tar/.57.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiiau.uz)

Диссертация билан Ўзбекистон халқаро ислом академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (__ рақам билан рўйхатга олинган.) (Манзил: 100011, Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 11- уй. Тел.: (99871) 2440056; факс: (99871) 2440065; e-mail: info@iiiau.uz)

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ да тарқатилди.

(2019 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси.)

Ш.А.Ёвқочев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, с.ф.д., профессор

Д.А.Рахимджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н., доц.

С.С.Агзамходжаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда жаҳонда ислом динига эътиқод қилувчилар сони ортиб бораётганлиги, ислом динининг асл мазмун-моҳиятини манбалар асосида ўрганиб, ушбу диннинг асосий вазифаси тинчлик, маърифат, эзгулик, бағрикенглик каби ғоялардан иборат эканлигини кенг ёритиб беришни тақозо этмоқда. Зеро, «Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз мужассамининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Исломи дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади»¹. Исломи динини сохталаштиришга қаратилган ҳаракатлар, «исломофобия»нинг авж олиши, кейинги пайтда пайдо бўлган ҳар хил диний фирқалар (فرقة) ва дин ниқоби остида олиб борилаётган турли кўринишдаги таҳдидлар диний вазиятнинг кескинлашувига сабаб бўлмоқда. Бу каби таҳдидларнинг олдини олиш ва диндаги тафриқаларни бартараф этишда Қуръони каримдан кейинги манба ҳисобланган ҳадис илми тарихини кенг ўрганиш ҳамда унинг илмий асосларини яратиш зарурати мазкур тадқиқот ишининг долзарблигини белгилаб беради.

Дунёда ислом динининг асл мазмунини ёритиб бериш, ижтимоий-ахлоқий масалаларда диннинг ўрни, Қуръони карим ва ҳадисларнинг асл моҳиятини, ҳадис илмининг илмий-назарий асосларини ишлаб чиқиш, ҳадис илми ривожига беқиёс ҳисса қўшган улуғ муҳаддисларнинг илмий меросини ўрганиш борасида кўплаб илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Ҳадис илми (علم الحديث) тарихи, соҳанинг тадрижий ривожланиши, ҳадисларнинг классификацияси ва методологиясини ўрганиш ҳамда ҳадис илми ривожига муҳим ўрин тутган муснад (مسند) асарлари устида тадқиқотлар олиб бориш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Ҳозирги кунда фақат ҳадис ва оятдан ҳукм олишга қаратилган тарғиботлар натижасида аҳли ҳадис салафий «اهل الحديث السلفية» (ҳадисга амал қилувчи салафий)ларнинг ортиб бораётганлиги ҳам ҳадис илмини мукамал ўрганиш ва ҳадислардан тўғри ҳукм чиқариш борасида тадқиқотлар олиб бориш заруратини тақозо этмоқда.

Мустақиллик йилларида барча соҳада бўлгани каби маънавий-маърифий соҳага ҳам кенг эътибор қаратилиб, ислом динининг ижтимоий-ахлоқий масалалардаги аҳамияти ҳамда буюк аждодларимизнинг ибратли ҳаёти ва илмий-маънавий меросини тадқиқ этишга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари йўлга қўйилди. Юртимиздан етишиб чиққан Имом Бухорий, Имом Доримий, Имом Термизий, Имом Шоший, Абдуллоҳ Субазмуний² ва Абдулҳамид Кеший³ каби буюк муҳаддисларнинг нодир асарлари ўз

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 19 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида сўзлаган нутқи // Маърифат, 2017 йил, 20 сентябрь.

² Мовароуннаҳр алломаларининг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссалари / Усмонов И. таҳрири остида муаллифлар жамоаси. – Т.: Мовароуннаҳр, 2011. – Б. 183-214.

³ Шамсуддин Заҳабий. Сияр аълом ан-нубало. – Байрут: Муассаса ар-рисола, 1992. – Ж. 12. – Б. 235; Ибн Касир. Ал-Бидоя ва ан-нихоя. – Байрут: Мактаба ал-маъориф, 2016. – Ж. 6. – Б. 144; Хатиб Бағдодий. Тарихи Бағдод. – Байрут: Сойд ал-хотир ал-илмийа, 2005. – Ж. 3. – Б. 147.

давридан бугунги кунгача ислом оламининг ҳадис илми ва ҳадисшунослиги учун асосий манба сифатида ўрганиб келинмоқда. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 ноябрдаги 896-сон Қарори билан Ҳадис илми мактабининг ташкил этилиши ҳам ҳадис илми ва муҳаддислар илмий мероси устида фундаментал тадқиқотлар олиб бориш имконини яратди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 14 февралдаги ПҚ-2774-сон «Имом Термизий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 27 мартдаги ПҚ-2855-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сон «Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 августдаги 572-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Ўзбекистондаги ислом цивилизацияси маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги, 2018 йил 16 апрелдаги ПФ-5416-сон «Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 1 ноябрдаги 896-сон «Ҳадис илми мактаби фаолиятини ташкил этиш ва қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармон ва қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мазкур тадқиқот йўналиши бўйича Шарқ олимлари Субҳ Бадрий Сомароний, Маҳмуд Муҳаммад Халил Саидий, Фуад Сезгин, Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Иброҳим Абу Айнаини ва Мухлиф ибн Баниҳи Урфлар⁴ илмий изланишлар олиб борганлар. Мазкур олимлар муҳаддиснинг «Муснади Абд» (مسند عبد) ва «Тафсири Абд» (تفسير عبد) асари устида изланишлар олиб бориб, ҳадисларнинг тахрижини амалга оширганлар. Аммо Абдулҳамид Кешийнинг ҳаёти ва илмий меросини комплекс тадқиқ этмаганлар.

Сомароний ва Халил Саидий. Муснади Абд ибн Хумайд. Қоҳира: Мактаба ас-сунна. 1998. المنتخب من مسند عبد بن حميد. عبد بن حميد بن نصر أبو محمد الكسي. مكتبة السنة – 1988. تحقيق: صباحي البديري السامرائي, محمود محمد خليل الصعيدي. القاهرة. الطبعة الأولى، 1408.

Фуад Сезгин. Тарих ат-турок ал-араб. – Ж. 1. – Риёз, Мадийна ал-жомеъийа, 1991; Sezgin F. Geschichte des arabischen Schrifttums. – Bd. I. – Leiden, 1967; Абд ибн Хумайд Кеший. Ал-Мунтахаб мин Муснади Абд ибн Хумайд / Абдуллоҳ Аҳмад ибн Иброҳим Абу Айнаини тахрижи. – Ирок: Мактаба Ибн Аббос, 2009. Мухлиф бани Урф. Қитаъту мин тафсири имом Абд ибн Хумайд. – Байрут: Дор ал-хазм, 2004.

Ўрта асрларда яшаган машхур муҳаддис ва муаррихлардан Ибн Ҳажар Асқалоний ва Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Исмоил Бувсирий⁵ Абдулҳамид Кешийнинг «Муснади Абд» асарида келган ҳадисларни мавзуларга ажратиб, ўз асарларига киритганлар.

Рус ва немис шарқшунослари С. Прозоров ва К. Броккельман⁶ Абдулҳамид Кешийнинг ҳаёти ва фаолиятига оид айрим библиографик маълумотлар бериб ўтганлар.

Ғарб ва Шарқ олимлари ҳадисларни классификациялаш, соҳага оид фан методологиясини ишлаб чиқиш, ҳадис ровийси ва иснодини ўрганиш борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борганлар. Жумладан, Ғарб шарқшуносларидан: Ж. Бёртон, А.Э. Шмидт, Й. Шахт, И. Гольдциер, Д.Г. Пфанмюллер, Г.Х. Йейнбол, Й. Кулсон, Лео Луси, А.Марвик, И.П. Петрушевский, А.Б. Халидов, К.А. Бойко, И.Ю. Крачковский, Д.В. Ермаков⁷ каби олимларнинг асарларида ҳадисшунослик бўйича маълумотлар келтирилган.

Ҳадис илми тарихи ва истилоҳлари борасида турк олимлари: Аҳмад Южел, Абдуллоҳ Айдинли ва Муҳаммад Азамийлар⁸ томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Ҳадис ва ҳадислар тарихини ўрганган баъзи шарқшунос олимларнинг тадқиқотида соҳага танқидий ёндашув бўлганлигини ҳам кузатиш мумкин. Бу каби мисолларни ғарблик олимлар – А.Шпрингер ва У.Мьюирнинг⁹ ишларида учратиш мумкин.

Бундан ташқари, Абдулҳамид Кешийнинг ҳаёти ва илмий мероси тўғрисидаги баъзи маълумотлар юртимиз олимларидан: У. Уватов, П. Равшанов, Н. Муҳаммад, Д. Раҳимджанов, У. Алимов, Д. Муратов, Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ва М. Алимоваларнинг¹⁰ китоб ва

⁵ Ибн Ҳажар Асқалоний. Мутолиб ал-оълия би аз-завоид ал-масонид ас-самония. – Риёд: Дор ал-ғойс, 1997. Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Исмоил Бувсирий. Итҳоф ал-хойрат ал-маҳара би аз-завоид ал-масонид ал-ашъара. – Риёз: Мактаба ар-Рушд, 1997.

⁶ Прозоров С.М. Арабская историческая литература в Ираке, Иране и Средней Азии в VII и середине X в. Шиитская историография. – М.: ГРВЛ, 1980; Brockelmann С. Geschichte der arabiachen Litteratur. – Leiden, 1943-1949.

⁷ Berton J. An Introduction to the hadeeth. – Edinburgh: Edinburgh UP, 1994. – P. 110; Schacht J. The Origins of Muhammadan Jurisprudence. Clarendon Press, 1950; Goldziher I. Muhammedaische Studien. Halle, B.I (1889). B.II (1890); Pfanmeyer D.G. Handbuch der islam- litteratur. B-Lpz, 1923; Yeeinboll G.X The Authenticity of the Tradition literature, – Leiden, 1969; Muslim tradition, Cambridge, 1983; Kuylson N.Y. Histoire of islamic, Edinburghe, 1964; Vilyam Leo Lusi. History: Methods and Interpretation. Chicago: Loyola UP, 1958; Artur Marvik. The Nature of History. 3rd ed. – London: Macmillan, 1989; Петрушевский И.П. Ислам в Иране в VII-XV веках, – Ленинград, 1966; Халидов А.Б. Арабские рукописи и арабская рукописная традиция, – М., 1985. Бойко К.А. Арабская историческая литература в Испании (VIII - первая треть XI в.). – М.: Главная редакция восточной литературы, 1977; Ўша муаллиф. Арабская историческая литература в Египте (VII-IX в.). – М.: Наука, ГРВЛ, 1983; Ермаков Д.В. Хадисы и хадисная литература // Ислам. Историографические очерки. – М., 1991.

⁸ Макдсий Башшорий. Аҳсан ат-тақосим фи маърифат ал-ақолим. – Байрут: Дор ас-содр, 1991. – Ж.1. – Б. 104.; Ahmed Y. Hadis usulı. – Istanbul: IFAN, 2016; Ahmed Y. Hadis tarihi. – Istanbul: IFAN, 2016; Abdulloh A.. Hadis ıstılahleri sızlıđı. – Istanbul: IFAN, 2016; Mukhammad Azami. Studies in hadeeth Methodology and Literature. Indiana: American Trust, 1977.

⁹ Shiprieng A. On the Origin of Writing down Historical Reports among the Musulmans-JASB, 1856, 25, 303-329. Mieur U. The life of Mahomet and Histoiry of Islam to the Era of the Hegira. 1. L., 1858. XXVIII-CV.

¹⁰Уватов У. IX аср Мовароуннахр ва Хуросон ҳадисшунослиги тарихидан (Ал-Бухорий, Муслим, ат-Термизий). Ғар. фан. докт. ... диссер. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001; Равшанов П. Қашқадарё тарихи. – Т.: Фан, 1995; Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари. – Т.: Ғафур Ғулом, 2006. – Б. 100.

монографияларида қисқа библиографик тарзда берилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон халқаро ислом академияси илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Исломшунослик соҳасини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури» мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Абдулҳамид Кеший илмий меросининг VIII- IX асрлар Мовароуннаҳр ҳадис илми ривожига аҳамиятини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Абдулҳамид Кешийнинг Мовароуннаҳр ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссасини асослаш ва машҳур муҳаддислар ўртасидаги илмий-амалий алоқаларни кўрсатиб бериш;

муҳаддиснинг «Муснади Абд» (مسند عبد) асари ўз даврида «ас-Самония ал-комилот» (الثمانية الكاملات) «Саккиз мукамал муснадлар» қаторида эътироф этилиши ҳамда асарнинг ҳадис илми ривожига аҳамиятини исботлаш;

кешлик аллома ва муҳаддисларнинг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссасини кўрсатиб бериш ва Кеш шаҳрининг IX асрда «Илм ва адаб гумбази» деб эътироф этилиш сабабини илмий асослаш;

муҳаддис асарларининг дунё кутубхоналарида сақланаётган кўлзма нусхаларини аниқлаш ҳамда улар устида кодикологик таҳлилни амалга ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Абдулҳамид Кешийнинг ҳадис илмига оид илмий мероси олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Абдулҳамид Кеший «Муснади Абд» асарининг Мовароуннаҳр ҳадис илми ривожига тутган ўрнини тарихий-илмий жиҳатдан тадқиқ этишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертациянинг бажарилишида тарихийлик, тизимлилик, илмийлик, диний бағрикенглик, холислик каби тадқиқот усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ ал-Бухорий», Имом Доримийнинг «Сунан ад-Доримий», Имом Муслимининг «Саҳиҳ ал-Муслим» ва Имом Термизийнинг «Сунан ат-Термизий» асарларида Абдулҳамид Кешийдан келтирилган ҳадислар мавжудлиги аниқланган;

муҳаддиснинг «Муснади Абд» асари «ас-Самония ал-комилот» («Саккиз мукамал муснад»)лардан бири ҳисобланиб, у Мовароуннаҳр ҳадис илмининг шаклланишида фундаментал манба эканлиги асосланган;

(Бундан кейин: Носир Муҳаммад. Насаф ва Кеш алломалари.); Раҳимджанов Д.А. Абу Ҳафс Насафийнинг «Китоб Ал-қанд фи маърифати уламои Самарқанд» асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба: Тар. фан. ном. ... дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2003; Абу Ҳафс Умар ибн Муҳаммад Ан-Насафий. Ал-қанд фи зикри уламои Самарқанд (Самарқанд уламолари хотирасига доир қанд(дек ширин китоб) / Арабчадан қисқартириб таржима қилувчилар: Усмонхон Темурхон ўғли ва Бахтиёр Набихон ўғли. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2001; Мовароуннаҳр алломаларининг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссалари / Усмонов И. таҳрири остида муаллифлар жамоаси. – Б. 183-285. Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. – Т.: Ҳилол, 2006; Алимова М.Ф. Имом Доримийнинг ҳадис илми ривожига қўшган ҳиссаси. Тар. фан. ном. ... диссер. – Т.: ТИУ, 2008.

тарихда Кешнинг «Илм ва адаб гумбази» деб эътироф этилишида Абдулхамид Кешийнинг ҳадис мактаби асос бўлгани исботланган;

муҳаддиснинг «Қитъату мин тафсири Абд ибн Ҳумайд Кеший» (قطعة من تفسير عبد بن حميد الكشي) асари қўлёзмаси, «Сулосиёту Абд ибн Ҳумайд Кеший» (ثلاثيات عبد بن حميد الكشي) ва «Муснаду Абд ибн Ҳумайд» (مسند عبد بن حميد) асарлари қўлёзмасининг кодикологияси ва уларнинг ҳадис илми ривожигаги ўрни далилланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Абдулхамид Кеший асарларининг 25 та қўлёзма нусхаси аниқланган ҳамда муҳаддиснинг ҳадис илми ривожигаги ўрни белгиланган;

Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий ва Имом Доримий каби буюк муҳаддисларнинг устозларидан бири Абдулхамид Кеший эканлиги ҳамда бу муҳаддисларнинг Мовароуннаҳр ҳадис илми ривожига ҳамкорликда олиб борган самарали илмий-амалий фаолияти манбалар асосида далилланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тарихийлик тамойили асосида турли илмий-назарий қарашларга эга бўлган тадқиқотчиларнинг фаразлари ўрганилганлиги, тадқиқотда Туркия, Қуддус, Мағриб ва Саудия Арабистонида сақланаётган қўлёзмалар, жумладан, Туркиянинг «Аё София» қўлёзма фондида мавжуд «Муснади Абд ибн Ҳумайд» (مسند عبد بن حميد) асарининг 00894, 00548, 00456 - рақам, «Сулосиёту Абд ибн Ҳумайд Кеший» (ثلاثيات عبد بن حميد الكشي) асарининг 00882-002-рақам, Мағрибнинг Фесс шаҳридаги «Жомия ал-Қаравийн» фондида сақланаётган «Мунтахаб мин Муснади Абд ибн Ҳумайд» (المنتخب من مسند عبد بن حميد) асарининг 61.80/159-рақам ва Работдаги «Малик фондининг Зайдония мактабаси»даги 002838-рақам ҳамда «Мактаба ал-вадод» кутубхонасидаги «Аъволий мин Муснади Абд Ҳумайд» (العوالي من مسند عبد بن حميد)нинг 003204-рақам остидаги қўлёзмаларидан фойдаланилгани, тадқиқотда объективлик тамойили асосидаги методларга таянилгани, тадқиқот хулоса ва тавсиялари амалиётга татбиқ этилгани билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ундаги асосий илмий хулосалар ва муҳим назарий умумлашмалар Мовароуннаҳрда ҳадис илмининг ривожланиши, машҳур муҳаддислар тарихи, илк ҳадис тўпламлари таркиби, жумладан, ҳадис илми, унинг тадрижий босқичлари каби масалаларга бағишланган истиқболли илмий тадқиқотларда, ҳадис илмининг ўзига хос хусусиятларини ижтимоий-ахлоқий масалаларни тадқиқ этишда илмий-назарий манба бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ундан олий ўқув юртининг ислом тарихи ва манбашунослиги, тарих ва манбашунослик факультетларида ҳадис тарихи, ҳадис истилоҳлари, ислом тарихи, Ўзбекистон тарихи каби фанлар мазмунини янги назарий ишланмалар билан бойитиш, замонавий дарслик ва ўқув қўлланмаларни янгича ёндашувлар билан такомиллаштириш, соҳага оид факультатив дарслар, семинар машғулоти ва махсус курсларни ишлаб чиқишда фойдаланиш

мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Абдулҳамид Кеший илмий меросининг VIII-IX асрларда Мовароуннаҳр ҳадис илми ривожигаги ўрнини тадқиқ этиш бўйича олинган натижалар асосида:

Мовароуннаҳр ҳадис илми ривожига муносиб ҳисса қўшган муҳаддис Абдулҳамид Кешийнинг илмий меросини ўрганилиши ҳамда Кеш шаҳрида фаолият олиб борган алломалар ҳаёти ва мероси тадқиқ этилиши натижасида, хулосалар И-2015-1-20 «Ўрта аср Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг тарихий-фалсафий мероси энциклопедияси»¹¹ мавзусидаги ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида инновацион давлат гранти асосида тайёрланган лойиҳа доирасида, қирқта кешлик аллома ҳақидаги тарихий маълумотлар энциклопедияга киритилган (Имом Бухорий халқаро марказининг 2017 йил 14 ноябрдаги 1-03/129-сон ва Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2017 йил 1 ноябрдаги 1726-сон маълумотномаси). Натижа кичик шаҳар саналган Кешнинг ўзида қирқта муҳаддис, фақиҳ ва алломалар яшаб фаолият олиб борганлиги аниқланиб, уларнинг илмий мероси ўрганилди;

динлар ва миллатлар ўртасидаги муносабатлар ҳамда бағрикенглик тамойиллари бўйича ислом манбалари оят ва ҳадислар ҳамда муҳаддиснинг маънавий мероси асосидаги хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат ва ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди томонидан белгиланган (2016-2017) «Ўзбекистон – бағрикенг диёр» мавзусидаги Давлат ижтимоий буюртмаси лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 28 февралдаги 1192-сон, Имом Бухорий халқаро марказининг 2017 йил 14 ноябрдаги 01-03/129-сон ва Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2017 йил 1 ноябрдаги 1726-сон маълумотномалари). Натижа динлар ва миллатлар ўртасидаги муносабатлар манбалар асосида далилланиб, бағрикенглик ҳақида келган ҳадислар китоб-альбомига киритилган;

Мовароуннаҳр ҳадис илми тарихи ва ўрта асрларда яшаган муҳаддислар ҳаёти фаолияти, улар ўртасидаги илмий муносабатларнинг тадқиқ этиш натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат ва ноижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фондининг (2017 – 2018) «Имом Бухорий ҳаёти ва маънавий мероси» мавзусидаги Давлат ижтимоий буюртмаси ижросида фойдаланилди (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 28 февралдаги 1192-сон, Имом Бухорий халқаро марказининг 2017 йил 14 ноябрдаги 01-03/129-сон ва Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2017 йил 1 ноябрдаги 1726-сон маълумотномалари). Натижада Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримий ва Абдулҳамид Кешийлар ўртасидаги илмий

¹¹ Ўрта аср шарқ алломалари энциклопедияси / Ш. Зиёдов. раҳбарлигида лойиҳа иштирокчилари. – Т.: Мунис дизайн, 2016.

алоқалар «Имом Бухорий таърифи» китобига киритилган ҳамда ҳадисларнинг болалар тарбиясидаги аҳамияти кенг ёритиб берилган;

Кешнинг ўрта асрдаги тарихи, маданий ҳаёти ва воҳадан етишиб чиққан алломаларнинг ҳаёти ва илмий меросини ўрганиш натижа ва хулосалари асосида Шаҳрисабз шаҳридаги Амир Темур давлат музейи ички мазмуни кешлик алломалар мероси билан бойитилди. Шаҳрисабздаги «Ислом маданияти маркази» концепциясини ишлаб чиқишда кешлик алломалар ҳаёти ва илмий меросига оид кўрғазма ташкил этиш ҳамда турли тарихий маълумотлар билан бойитишда диссертация ишидан тўлиқ фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2018 йил 28 февралдаги 1192-сон ва 2018 йил 23 ноябрдаги 6357-сон маълумотномалари). Натижа «Ўрта асрларда яшаган кешлик алломалар», «Абдулҳамид Кеший ҳаёти ва илмий мероси» китоблари ҳамда «Муснади Абд» асарининг қўлёзма нусхаси мўляжи Шаҳрисабз шаҳридаги Амир Темур давлат музейининг илмий мазмунини бойитишга хизмат қилган;

Абдулҳамид Кеший ҳаёти ва илмий меросининг мукаммал ўрганиши натижасидаги тарихий маълумотлар ва тадқиқот хулосаларидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тошкент ислом университети исломшунослик илмий-тадқиқот марказининг (2013) А-1-051-сонли амалий лойиҳаси асосида «Исломшунослик муаммоларини бирламчи манбалар ва аждодларимиз диний-маърифий меросини тизимли таҳлил қилиш асосида ёш авлодда соғлом эътиқодни шакллантириш» мавзусида тайёрланган «Исломшунослик қомусий луғати»¹² китобини тайёрлашда фойдаланилган. Натижа Мовароуннаҳрдан етишиб чиқиб, ҳадис илмига катта ҳисса қўшган муҳаддис Абдулҳамид Кеший ҳақидаги тарихий маълумотлар илк марта қомусга киритилган;

Мовароуннаҳр ҳадис илми тарихи ва Абдулҳамид Кешийнинг илмий меросини тадқиқ этиш асосида олинган илмий-тарихий маълумотлар, хулоса ва натижалардан Ўзбекистон телерадио кўрсатувлари «Маданият ва маърифат» телеканалининг «Буюк муҳаддислар меросида ижтимоий-ахлоқий масалалар» мавзусидаги «Академик соат» кўрсатувида ва 2017 йил 13 ноябрь куни Абдулҳамид Кеший ҳаёти ва илмий мероси ҳақида «Буюк аждодларимиз» туркум кўрсатувида ҳамда 2018 йил 24 январь куни «Ўзбекистон» телеканали орқали эфирга узатилган «Зиё» маърифий кўрсатувларини тайёрлашда фойдаланган (Ўзбекистон миллий телерадио компанияси «Маданият ва маърифат» телеканалининг 2017 йил 29 декабрь 01-17/897- сон ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказининг 2018 йил 12 февраль 15-сон маълумотномалари). Натижа юртимиздан етишиб чиққан алломалар мероси ва ҳаётига бағишланган кўрсатув тайёрланиб, эфирга узатилган;

муҳаддиснинг «Муснади Абд» асарида келтирилган ҳадислар асосида исломнинг асл эзгу моҳиятини тушунтириш, бағрикенглик ғояларини кенг тарғиб этиш, турли дин вакиллари ва умуммиллий қадриятларни эъзозлаш

¹² Исломшунослик қомусий луғати / Исломов З. таҳрири остида. – Т.: ТИУ, 2013. – Б. 27-28.

ҳамда ислом дини ниқоби остида фаолият олиб борувчи ҳар хил бузғунчи оқимларга қарши маънавий-маърифий ва тарғибот ишлари олиб борилган (Республика маънавий ва маърифат марказининг 2018 йил 26 февраль 08/09-311 - сон, Ўзбекистон Республикаси Самарқанд вилояти ҳокимлиги ўз-ўзини бошқариш органлари ходимларини малакасини ошириш ўқув курсининг 2017 йил 24 октябрь 76-сон, Имом Бухорий халқаро марказининг 2017 йил 14 ноябрь 01-03/129- сон ва Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг 2017 йил 1 ноябрдаги 1726-сон маълумотномалари). Натижа таълим муассасалари, жамоат ташкилотлари ва маҳаллаларда маънавий-маърифий тадбирларни олиб боришда хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 36 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 2 та монография, 34 та илмий мақола, жумладан: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, хусусан, 11 та республика, 9 та хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, урта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, ҳажми 136 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилиш даражаси, илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги, шунингдек, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларини ривожлантириш йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, услубий асослари, илмий ишнинг методлари, тадқиқотнинг гипотезаси, илмий янгиликлари, тадқиқот натижаларининг илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий этилиши, эълон қилинган илмий ишлар, диссертациянинг таркибий тузилиши ва ишнинг ҳажми ёритилган.

Тадқиқотнинг биринчи «**VIII – IX асрлар Кеш воҳасида илм-фан ва маданий ҳаёт**» бобида Кеш воҳасининг VIII – IX асрлардаги илмий-ижтимоий ва маданий муҳити кенг ёритиб берилган. Жумладан, Мовароуннахрнинг кичик шаҳарларидан саналган Кеш (Шаҳрисабз)нинг ўрта асрларга оид ҳолати, хусусан, VIII – IX асрлардаги ижтимоий ва маданий муҳити тадқиқот йўналиши қилиб олинган.

Ўрта асрларда илм-фан ва маданият Куфа, Басра, Бағдод, Дамашк, Ҳалаб, Рай, Марв, Нишопур шаҳарларида бўлгани каби, Мовароуннахрнинг Самарқанд, Бухоро, Кеш, Насаф, Термиз, Шош шаҳарларида ҳам илм-маърифат тараққий этган. Абдулҳамид Кеший, Имом Бухорий, Имом Муслим ва Имом Доримийлар Кешда маълум муддат яшаб, ҳамкорликда фаолият олиб боришган. Шу даврда ислом оламининг турли томонларидан илм талабгорлари келиб, Кешда ҳадис ва бошқа билимларни ўрганган.

Мазкур муҳаддисларнинг буюк хизматлари туфайли, дунё аҳли Кешни «Куббат ал-илми ва ал-адаб» (Кеш – илм ва адаб гумбази) деб эътироф этган¹³.

Айни шу даврларда ҳадис ва бошқа диний ҳамда дунёвий фанлар тараққий этиб, кўплаб бухорийлар, самарқандийлар, термизийлар, хоразмийлар, насафийлар, кешийлар, шошийлар ва фарғонийлар етишиб чиққан.

Мовароуннаҳрда VIII асрдан XII асргача 3000 дан ортиқ таниқли муҳаддислар фаолият олиб боргани ва улардан 60 дан ортиғи кешлик муҳаддислар бўлганлиги тарихий манбаларда келтирилган.

Кеш ҳадис мактабининг шаклланишига оид тарихий манбалар тадқиқ этилган. Мовароуннаҳр ҳадис мактабларининг ривожланиш тарихи, хусусан, Кеш шаҳрида ташкил этилган ҳадис мактаби ҳақида маълумотлар берилган.

Тарихда Кешдан Абд ибн Ҳумайд Кеший, Муҳаммад ибн Абд Кеший, Абдулғаффор Кеший, Шухраф Кешийдек муҳаддислар, Жалолиддин Кеший, Абу Исҳоқ Кеший, Шамсиддин Кулол, Али Қушчи каби алломалар, соҳибқирон Амир Темурдек жаҳонга машҳур саркарда ва давлат арбоблари, Фироқий, Хиромий, Равнақий ва Фақирий сингари шоир ва фозил кишилар етишиб чиқиб, бу юртни дунёга танитган.

Мазкур бобда Кеш воҳасидан етишиб чиққан қирқдан зиёд муҳаддис ва алломалар ҳақидаги тарихий манбалар тадқиқ этилиб, уларнинг ҳаёти ва илмий мероси ҳақида маълумотлар келтирилди. VIII–IX асрларда Мовароуннаҳрнинг бошқа шаҳарлари каби Кешда ҳам илм-фан, маданият ва маърифатнинг янги тизими вужудга келгани ислом динининг янги маънавий йўналиш сифатида барча мусулмон мамлакатлари ўртасида ижтимоий-маданий, маърифий алоқаларни кучайишига катта таъсир кўрсатганлиги баён этилди.

Кеш ҳадис мактаби фаолияти ва шаклланиш тарихига эътибор қаратадиган бўлсак, бу воҳада кўплаб машҳур муҳаддислар таълим олган. Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий Хуросонда ҳадис илмига асос солиб илк «Муснад» асарини тасниф этган. Мовароуннаҳр ҳудудида Абдулҳамид Кеший биринчилардан бўлиб, «Муснади Абд» асарини таълиф этган. Бундан кейин Аҳмад ибн Ҳанбал Марвазий, Исҳоқ ибн Роҳавайҳ Марвазий, Хайсам ибн Кулайб Шоший, Абу Бакр Аҳмад ибн Муҳаммад Барокотий, Иброҳим ибн Маҳқул Насафий ва бошқалар муснад жанрида ҳадис тўпламлари тасниф этганлар¹⁴.

Тадқиқотнинг асосий объекти бўлган Мовароуннаҳр ҳадис илми ривожига катта ҳисса қўшган муҳаддислардан бири Абдулҳамид ибн Ҳумайд ибн Наср Кеший ҳаёти ва илмий мероси комплекс ўрганилди. Муҳаддис 170/786 йилда Кешда таваллуд топган¹⁵. Абдулҳамид Кеший ўз даврида тўрт буюк муҳаддис – Имом Бухорий, Имом Доримий, Имом Термизий ва Имом

¹³ Шарафуддин Али Яздий. Зафарнома / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши, изоҳ ва кўрсаткичлар муаллифи: А.Ўринбоев; Масъул муҳаррир: ф.ф.д. А.К. Аренде). – Т.: Фан, 1972. – Б. 345/163 а.

¹⁴ Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. Саҳиҳи Бухорий. Шайх Абдулазиз Мансур таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – Б. 5.

¹⁵ Шамсуддин Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало. – Байрут: 1884 – Ж. 12. – Б. 235.

Муслимларга устозлик қилган¹⁶.

Абдулҳамид Кешийнинг устозлари ҳадис илми табақотларининг саккизинчи, тўққизинчи ва ўнинчи рутбасида саналган улуғ муҳаддислардан бўлган. Муҳаддиснинг саккизинчи табақот вакилларида бўлган икки шайхи Валид ибн Қосим ибн Валид Ҳамадоний (ваф. 203/819 й.) ва Муҳаммад ибн Исмоил ибн Аби Фадйик (ваф. 200/816 й.) бўлади.

Абдулҳамид Кешийнинг вафоти билан боғлиқ маълумотлар турли хил бўлганлиги сабаб, бу ҳақдаги барча тарихий манбалар ўрганилди. Муҳаддис 249 ҳижрий йилда рамазон ойининг 20-куни якшанба тонгида ўз юрти Кешда вафот этган, бу милодий йил ҳисобида 863 йил 5 ноябрь кунига мувофиқ келади.

Абдулҳамид Кеший олти саҳиҳ ҳадис тўпламлари муаллифлари билан шерикликда 47 нафар машҳур муҳаддис ва ровийлардан ҳадис келтирган. Мазкур тадқиқотда Абдулҳамид Кешийнинг устоз ва шогирдлари ҳақида тўлиқ маълумотлар келтириб ўтилди¹⁷.

Абдулҳамид Кешийнинг «Китоб ал-хуруф ва-л-муъжам», «ат-Тасарруф», «Китоб фаъалту ва афъалту», «Тафсири Абд ибн Ҳумайд», «Сулосиёт Абд ибн Ҳумайд Кеший», «ал-Мувофиқ фий-л-Ҳадис» ва «Муснади Абд ибн Ҳумайд» номли нодир асарлари мавжуд бўлган¹⁸.

Мовароуннаҳрдаги Кеш, Шош ва Самарқанд ҳадис мактаблари ўртасидаги илмий алоқалар ҳамда ҳамкорлик Абдулҳамид Кеший, Абдуллоҳ Ароба ва Абдурахмон Доримийларнинг ўзаро илмий муносабатлари орқали амалга оширилганлиги аниқланди.

Диссертациянинг иккинчи - **«Абдулҳамид Кешийнинг илмий мероси ва муснад жанридаги асарлар»** боби уч банддан иборат бўлиб, унда муснад жанрида ёзилган асарлар тарихи, машҳур муснадлар ва асарнинг тасниф этиш тартиби ва уларнинг муаллифлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Ҳадис илмининг шаклланиши тарихи ва машҳур ҳадис асарларини яратилишида муснадларнинг аҳамияти ҳақида Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Исмоил Бувсирий: «Агар олти машҳур саҳиҳ китобларида, ёки уларнинг бирида саҳобалардан бир ҳадис келтирилган бўлса албатта, у ҳадис «Муснад Абу Таёлисий», «Муснад Ҳумайдий», «Муснад Мусаддид», «Муснад Ибн Аби Умар», «Муснад Исҳоқ ибн Роҳавайх», «Муснад Абу Бакр ибн Шайба», «Муснад Аҳмад ибн Муниъ», «Муснад Ҳорис ибн Муҳаммад ибн Асома», «Муснад Абу Яъло ибн Мусилий Кабир» ва «Муснад Абд ибн Ҳумайд» асарларининг биридан олингандир»¹⁹, - деб таъкидлайди.

«Муснад Абд» асарининг таркибий тузилиши, қўлёзма нусхалари, уларнинг кодикологик тадқиқи қиёсий ўрганилди. Абдулҳамид Кешийнинг дунё қўлёзма фондларида сақланаётган «Мунтахаб мин Муснади Абд ибн Ҳумайд»нинг 12 дона қўлёзма нусхаси, «Муснади Абд ибн Ҳумайд»нинг 9

¹⁶ Шамсуддин Заҳабий. Тарих ал-ислом. –Байрут: 1884. – Ж. 5. – Б. 91.

¹⁷ Шамсуддин Заҳабий. Сийар аълом ан-нубало. – Ж. 12. – Б. 235.

¹⁸ Ҳожи Халифа. Кашф аз-зунун. – Байрут, 1992. – Ж. 1. – Б. 453. Камалиддинов Ш.С. Китобу-л-ансаб Абу Саид Абдулкарим ибн Муҳаммад Самъоний. – Т.: Фан, 1993. – Б. 149.

¹⁹ Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Исмоил Бувсирий. Итҳоф ал-хойрат ал-маҳара би аз-завоид ал-масонид ал-ашъара. – Риез: Мактаба ар-Рушд, 1997. 1. Ж. – Б. 33.

донаси, «Сулосиёту Абд ибн Хумайд Кеший»нинг 3 донаси ва бир дона «Аъволий мин Муснади Абд», жами 25 дона кўлёзма нусхаси аниқланиб, кўлёмаларнинг кодикологик хусусиятлари очиб берилди.

Муҳаддиснинг асарларини кодикологик тадқиқ этишда қуйидаги кўлёзма нусхаларидан фойдаланилди:

1. Туркиянинг Истанбул шаҳридаги «Аё София» кутубхонасида 894-рақам остида сақланаётган «مسند عبد بن حميد» «Муснаду Абд ибн Хумайд» асари кўлёзма нусхаси;

2. Мағрибнинг Фесс шаҳридаги «Хизона ал-Қаравийн» кутубхонасида 625-рақам остида сақланаётган «مسند عبد بن حميد» «Муснаду Абд ибн Хумайд» асари кўлёзма нусхаси;

3. Ироқдаги «Мактаба ал-Илмия» кутубхонасида сақланаётган кўлёзма «Мунтахаб мин Муснади Абд ибн Хумайд» асари. Кўлёзма 553/ 1158 йилда Муҳаммад ибн Хушон томонидан насх хатида кўчирилган;

4. Қуддус шаҳридаги «Мактаба ал-фотиан» кутубхонасида 502-рақам остида сақланаётган «مسند عبد بن حميد» «Муснаду Абд ибн Хумайд» асари кўлёзма нусхаси. Кўлёзма қадимги насх хатида Али ибн Муҳаммад ибн Шомилий томонидан 633/1235 йилда кўчирилган;

5. Работдаги Маликий фонди «Зайдония» мактабасида сақланаётган «المنتخب من مسند عبد بن حميد» «Мунтахаб мин Муснади Абд ибн Хумайд» асарининг кўлёзма нусхаси;

6. Аъволий мин муснади Абд ибн Хумайд. Мазкур кўлёзма 16 саҳифадан иборат бўлиб, 610/1213 йилда кўчирилган.

Шунингдек, «Муснади Абд» асарида келган ҳадислар ва унинг таркибий тузилиши «Сунан» жанридаги тўпламлар билан қиёсий ўрганилиб, ҳадислар тартиби ўрганилди ҳамда қисқа шарҳ билан изоҳлаб берилди.

«Муснади Абд» асарида гўзал одоб-ахлоқ, оила масалалари ва яхши амаллар мавзусида кўплаб ҳадислар келтирилган бўлиб, «Никоҳ» ва «Талоқ» мавзусига оид 193 ҳадис шунингдек, дуо ва зикрлар ҳақида 169, Қуръони карим ва унинг фазилатига оид 103 ҳамда яхши амаллар тўғрисида 103 та ҳадис келтирилган. Ҳар бир мавзуга оид 1 дан 200 тагача ҳадислар жамланган, ҳадисларнинг мазмуни, маъно ва улардан олинадиган ҳукм ҳамда йўналишларга ажратилганда улар 33 китобни ташкил этади.

Абдулҳамид Кеший ҳадис ва тафсир илми ривожига катта хизмат қилиш билан бирга фикҳ ва калом илми борасида ҳам етук аллома бўлган. Муҳаддиснинг шогирди ва биродари Ҳафс ибн Салим Самарқандий Абу Муқотил орқали ҳанафийликнинг эътиқодий йўналиши Имом Мотуридийга етиб келган.

Диссертациянинг учинчи - «**Абдулҳамид Кеший илмий меросининг Мовароуннаҳр ҳадис илми ривожигаги ўрни**» боби ҳам уч бандда ўрганилди. Муҳаддиснинг «Муснади Абд» асари Мовароуннаҳр ҳадис илми ривожига муҳим асар ҳисобланган. Асарнинг бизгача етиб келишида Абдулҳамид Кешийнинг шогирди Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Хайсум Шошийнинг хизмати катта бўлган²⁰.

²⁰ Абд ибн Хумайд Кеший. Мунтахаб мин Муснади Абд / Абу Абдуллох Мустафо Аъдавий таҳрижи. – Риёз:

Ҳофиз ибн Ҳажар Асқалоний «Мунтахаб мин Муснади Абд ибн Хумайд» асарига шундай юксак таъриф берган: «Ҳадис илми билан машғул бўлган имомлар хизмати нақадар буюк. Уларнинг энг юксак мартабалари Расулуллоҳ (с.а.в.)га яқинроқлари бўлиб, улар муснад муаллифлари ҳисобланади. Улар ҳадисларни турли хил кўринишда жамлаб, тартибга солишган. Кейинги ҳадис имомларига кашфиёт эшиклари очилишини осонлаштирган. Ана шундай машхур муснадлар «ас-Самония ал-комилот» («Саккиз мукамал муснад») деб аталиб, бу асарлар Аҳмад ибн Ҳанбал, Абу Довуд Тайёлисий, Хумайдий, Ибн Аби Умар, Мусаддид, Аҳмад Муниъ, Абу Бакр ибн Шайба, Абд ибн Хумайд ва Ҳорис ибн Аби Асомалар томонидан тасниф этилган». Бу маълумотни Имом Бувсирий ҳам китобида зикр этиб, мазкур муснадлар «Кутуби тисъа» («Тўққиз ҳадис китоб»)идан кейин туришини таъкидлаган²¹.

Абдулҳамид Кешийнинг «Муснади Абд» ва «Тафсири Абд» асарида келган ҳадислардан жуда кўп алломалар ўз асарларини тасниф этишда асосий манба сифатида кенг фойдаланган. Масалан: машхур асарлардан Имом Суютийнинг (849/1445-911/1505) «Дурр ал-мансур»²² номли саккиз жилдли тафсирида 2449 ўринда, Имом Шавконийнинг (1173/1760-1250/1834) «Фатҳ ал-қодир»²³ номли 5 жилдли тафсирида 650 ўринда, Маҳмуд ибн Аби Ҳасан Найсабурийнинг (ваф.й. 850/1446) «Ийжоз ал-баён ан маъони-л-Қуръон»²⁴ номли тафсирида 74 ўринда, Ибн Касир Қурашийнинг (701/1302-774/1372) «Тафсир Қуръон ал-Аъзим»²⁵ асарида 86 ўринда, Абу Жафар Табарийнинг (224/839-310/923) «Жомиъ ал-баён фий таъвил ал-Қуръон»²⁶ асарида 90 ўринда, Шаҳобиддин Саййид Маҳмуд Улусий Бағдодийнинг (1217/1802-1270/1854) «Равҳ ал-маъоний фий тафсири Қуръони-и-Аъзим»²⁷ асарида 270 ўринда ва Али ибн Ҳисомиддин Ҳиндийнинг (499/1106-571/1175) «Канз ал-аъмол»²⁸ тафсирида 180 ўринда Абдулҳамид Кешийнинг «Муснад» ва «Тафсир» асарларида келтирилган ҳадислар ва оят тафсилотларидан фойдаланилган.

Имом Муслимнинг «ас-Саҳиҳ» асарида²⁹ 137 та ҳадис, Имом Термизийнинг «Сунани Термизий» асарида³⁰ 156 та ҳадис Абдулҳамид Кешийдан келтирилганлиги ҳам «Муснади Абд» асарининг ҳадис тўпламлари ичида машхурлигига тўла асос бўлади.

«Муснади Абд» асарида жами 150 та машхур саҳобалар ҳадис ривоят қилган бўлиб, уларнинг 118 нафари эркак ва 32 нафари аёллардан иборат

Дору Балансий, 2002. – Б. 10.

²¹ Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Исмоил Бувсирий. Итҳоф ал-хойрат ал-маҳара би-з-завоиди-л-масониди-л-ашъара. – Риёз: Мактаба ар-Рушд, 1997. 1. Ж. – Б. 34.

²² Жалолиддин Суютий. Дурр ал-мансур. – Байрут: Дор ал-фикр, 2009. – Ж. 8.

²³ Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад Шавконий. Фатҳ ал-қодир ал-жомий. – Байрут: Дор ал-фикр, 2009.

²⁴ Маҳмуд ибн Аби Ҳасан Найсабурий Ғазнавий. Ийжоз ал-баён ан маъони-л-Қуръон. – Байрут: Дор ғарби-л-исломий, 1995.

²⁵ Ибн Касир Қураший. Тафсир Қуръони-л-аъзим. Дору Тоййиба, 1999.

²⁶ Абу Жафар Табарий. Жомий ал-баён фий таъвили-л-Қуръон. – Миср: Муасссат ар-рисола, 2000.

²⁷ Шаҳобиддин Саййид Маҳмуд Улусий Бағдодий. Равҳ ал-маъоний фий тафсири қуръони-и-аъзим. – Байрут: Дор ихё ат-туроси-л-араб, 2009.

²⁸ Али ибн Ҳисомиддин Ҳиндий. Канз ал-аъмол. – Байрут: Дору ихё ат-туроси-л-араб, 2010.

²⁹ Муслим ибн Ҳажжож. Саҳиҳи Муслим. – Қоҳира: Мактабата ал-имон, 2005.

³⁰ Муҳаммад ибн Исо Термизий. Жомий ат-Термизий. – Риёз: Дор ас-салом, 1999.

бўлган. «Муснади Абд» асарида саҳиҳ ҳадислар 1005 та ва бошқаси билан саҳиҳ ёки исноди саҳиҳ бўлганлари 594 та ҳадисни ташкил этиб асардаги жами ҳадислар миқдори 1599 та ҳадисдан иборат.

